

2025 йил 7-август

2050-йилга бориб жаҳонда водород ишлаб чиқариш 80% га ошиб, 14,3 миллион тоннага етиши мумкин

Jahon kimyo sanoati xabarlari



2050-йилга келиб дунёда водород (H_2) ишлаб чиқариш ҳажми 2024-йилга нисбатан тахминан 80% га ошиб, 14,3 миллион тоннага етиши мумкин. Бунда H_2 нинг асосий қисми метанни буғли риформинг қилиш (SMR) усули орқали ишлаб чиқарилади.

Бу ҳақда АҚШ Энергетик ахборот бошқармаси ўзининг сўнгги йиллик энергетик таҳлил ҳисоботида маълум қилди.

Этанни крекинг қилиш ва пропанни дегидрация қилиш каби кимёвий sanoat жараёнларида ён маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилган водород кейинги энг катта таъминот манбаи бўлади. Электролиз усули орқали газ олиш sanoat технологияси эса ривожланмайди ва 2050-йилгача

унинг ҳиссаси 1% дан ошмайди.

CH₄ устунлик қиладиган табиий газ каби асосан углеводород хомашёсидан яъни, метанни буғли риформинг қилиш — молекуляр водород генерациясида доминант саноат жараёни ҳисобланади.

Бу каталитик эндотермик реакция юқори ҳароратда (700-1000°C) ва ўртача баланд босимда (15-30 атмосфера) амалга ошади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2050-yilga-borib-zahonda-vodorod-ishlab-chiqarish-80-ga-osh>